

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ҲУДУДИЙ
МАРКАЗИ**

М.РАҲИМҚУЛОВА, Г.ЭРГАШЕВА

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИГА ОРФОГРАФИЯНИ
АДАПТИВ ЎҚИТИШДА ДАСТУРИЙ ПЕДАГОГИК ВОСИТАЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ
(Ўқув-услубий кўлланма)**

**Самарқанд вилояти ХТХҚТМОҲМ
Илмий-методик кенгашида
муҳокама қилиниб, нашрга
тавсия этилган
(2019 йил, 28 июнь 3-сон)**

САМАРҚАНД 2019

УДК- 373.3:411

ББК-74.2

Б-89

Бошланғич синф ўқувчиларига орфографияни адаптив ўқитишда дастурий педагогик воситалардан фойдаланиш технологияси. Ўқув-услубий қўлланма. – Самарқанд вилояти ХТХҚТМОҲМ. -2019. – 52 бет

Ушбу қўлланмада бошланғич синфларда орфографияни дастурий педагогик воситалар (ДПВ) дан фойдаланиб адаптив ўқитиш технологиялари муаллифларнинг кўп йиллик педагогик фаолиятидаги тажрибалари ҳамда тил таълимига доир методик адабиётлардаги илмий-назарий қарашлар асосида ёритилган.

Тузувчилар:Раҳимқулова М., Эргашева Г.

Масъул муҳаррир : Сафо Матжон, Педагогика фанлари доктори, профессор

Тақризчилар: 1 Усмонов С.У – Самарқанд вилояти ХТХҚТМОҲМ директори доцент, п.ф.н.

2. Яхшибоев Г.Х – Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти “Касбий таълим” кафедраси доценти, п.ф.н.

*Самарқанд вилояти халқ ходимларини қайта тайёрлаш
ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази*

ISBN 978-9943-5375-2-1

КИРИШ

Ижодий тафаккур эгаси бўлган маънавий баркамол шахсни тарбиялаш она тили таълимининг бош мақсади саналади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интелектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”, - деб таъкидланиши она тили таълими олдиға мамлакатимиз ёшларини ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда эркин ҳамда саводли баён қила оладиган мустақил фикр соҳиблари этиб тарбиялашдек долзарб вазифаларни қўяди. Шу маънода, умумий ўрта таълим тизимининг бошланғич бўғинидан бошлаб орфографияни ўқитиш орқали ўқувчиларда нутқий ҳамда лингвистик компетенцияларни шакллантириш, имловий саводхонликни ривожлантириш, сўз бойлигини ошишиға замин яратиш ва мустақил фикрлашға ўргатиш учун орфографияни ўқитишға доир ўқув материалларининг методик таъминотини такомиллаштириш зарурати ушбу услубий қўлланманинг яратилишиға сабаб бўлди.

Қолаверса, XXI асрда ахборот коммуникация технологиясининг юксак даражада тараққий этиши ва унинг кенг жамоатчилик томонидан “Компьютер асри” деб тан олиниси, ижтимоий ҳаётимизға жадал суръатларда кириб келаётган интернет маълумотларидан тезкор ва сифатли фойдаланиш заруратининг туғилиши она тили соҳасини инновацион технологиялар асосида жадал ривожлантиришни тақозо этади.

Бу борада яратилган С.Адилованинг “Ўзбек тили машғулотларини компьютер технологияси воситасида ташкил этиш” Я.Умарованинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида интеграциянинг ўрни” номли асарларда, шунингдек, Н.Мирзаев ва Т.Ўриновларнинг “Ўзбек тилидан дастурлаштирилган топшириқлар тизимида ўқувчилар билимини тест асосида назорат қилувчи махсус компьютер қурилмаларидан фойдаланиш”

методикасида асосан юқори синфлардаги тил таълими назарда тутилган бўлса, ушбу услубий қўлланма бошланғич синфлардаги тил таълимига бағишлангандир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-хунар тизимларини тубдан, босқичма-босқич ислоҳ қилиш зарурияти сезилиб, асло пайсалга солиб бўлмайдиган бу ишни кадам-бакадам, изчиллик билан бажаришга киришилди.

Дарҳақиқат, янгиланган таълим тизимини жорий этишда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий лаёқатини шакллантириш бугунги куннинг муҳим талабидир.

Фаннинг ҳозирги замон ривожланиш босқичида орфографияни ўрганишга қизиқиш дидактик нуқтаи назардан ҳам, лингвистик нуқтаи назардан ҳам сусайгани йўқ. Орфография методикаси соҳасидаги қонуниятлар ҳали аниқланиб бўлмаган ва лозим даражада тадқиқ этилмаган: бошланғич синфлар ўқувчиларида имло малакалари адаптив (шахсиятли-ориентирланган) ўқитиш контекстида уларнинг тил компетенцияларига қўйиладиган талабларга боғлиқ равишда қанчалик коррекцияланиши ўз ечимини топмаган.

Психолого-педагогика фанининг адаптив ўқитиш мактаб ўқувчиларининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишга асосланган, билимлар, уқувлар ва малакаларни ўзлаштиришда илгарилаш даражаси режаси ва графигини ўз ичига олувчи, кейинги саъй-ҳаракатлар режасини коррекциялаш имконини берувчи ўқитиш тизими адаптив ўқитишда муаммосига ягона ёндашувнинг йўқлиги ўзбек тили, шу жумладан, орфографияни адаптив ўқитиш бўйича таъсирчан технологияларни яратишга имкон бермайди. Адаптив ўқитишнинг баъзи жиҳатлари Т.К.Донская, Л.И.Ларионова, В.К.Ломарёв, Л.К.Базарова, Л.В.Савельева каби рус олимларининг илмий-методик ишларида аск этган бўлса-да, ҳеч ким бошланғич синфларда орфографияни адаптив ўқитишни ахборот технологиялари ёрдамида ташкил этиш истиқболини ўрганмаган.

Ўқитиш технологиялари бўйича турли назарияларнинг бой хазинаси мавжудлигига қарамасдан, уларнинг ҳеч бири қўйилган мақсадга эришишни таъминлай олмайди.

Ушбу қўлланмани **яратишда** бошланғич синф ўқувчиларининг грамматик-орфографик тайёргарлигига қўйиладиган талабларнинг ортиб бориши ва методика фанида юқори **самарадорлик** коэффициентига эга бўлган, мобил билимларнинг конкрет шароитларда қўлланиши, танқидийлик ва тафаккурнинг креативлигини таъминловчи технологияларнинг яратилишига ёрдам берувчи омиллар орасидаги зиддиятлиқни ҳал этиш **зарурлиги назарда тутилган**.

Таълим тизимларининг жамиятдаги технологик ўзгаришларга боғлиқлиги муносабати билан мактаб амалиётига (шу жумладан, она тилининг орфография каби муҳим бўлимини ўқитиш амалиётига) ахборот технологияларини жорий этиш стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бунда ахборот технологиялари дейилганда ахборотни тўплаш, ишлаб чиқиш ва фойдаланиш жараёнларини шакллар, методлар, усуллар ва воситаларнинг махсус танланиши ва **амал қилинишини** аниқловчи **психологик-педагогик йўналишлар** мажмуи асосида яратиш лойиҳалари тушунилади.

Янги ахборот технологияларини ўқитиш амалиётига жорий этиш юқори малакали мутахассислар (психологлар, фан ўқитувчилари, дизайнерлар, дастурчилар) биргаликда ишлашини талаб этиши ва, шунингдек, юқори техник даражадаги машиналарнинг етарли эмаслиги (ташқи сабаблар), концептуал қоидаларнинг яратилмаганлиги (ички сабаблар) **туфайли мушкулроқдир**. Аммо у жамият буюртмасига мувофиқ ва яхши истиқболга эга **эканлигини унутмаслик зарур**.

Бошланғич синфларда орфографик ишни ташкил этиш мисолида таълимни ахборотлаштириш тенденцияларини амалга ошириш шароитларини аниқлашда **биринчидан**, ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш, **иккинчидан**, ўқув ишининг дастурий педагогик

воситалардан фойдаланиш орқали эндиликда қарор топган шакллари ва усулларини модернизациялаш, **учинчидан**, ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида адаптив ўқитишни таъминлаш учун таълим мазмунини (орфографик малакаларни шакллантиришда назарий ва амалий ўқитиш нисбатини) ўзгартириш, янги ташкилий шакллар ва **методларга мурожаат қилиш назарда тутилади.**

Бу йўналишлардан **дастлабки** иккитаси ҳозирда олимлар томонидан муваффақиятли ўрганилаётган ва ишлаб **чиқилаётгани** ҳолда, учинчи йўналиш кам тадқиқ этилганича қолмоқда.

Орфографияни ўргатишнинг ахборот модели **яратилмаганлиги натижасида**, бошланғич синфларнинг она тили дарсликларида **бериладиган** назарий материал ҳажми ва ёритилиш даражасини, тўғри ёзиш (имло) ўқувлари ва малакалари шакллантиришга йўналтирилган назарий маълумотлар ва амалий топшириқларнинг оптимал нисбатини аниқлаш бўйича объектив критерийларнинг ишлаб чиқилмаганлиги кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун ўқув меҳнати**нинг** оғирлик қилишига олиб келди.

Бошланғич синфларда орфографияни ахборот технологиялари ёрдамида адаптив ўқитиш концепциясининг ишлаб чиқилмаганлиги **бу борада мазкур услубий қўлланманинг** истиқболли эканлигидан **далолат беради.**

Зеро, бошланғич ўқувчиларининг орфографияни ўзлаштириш соҳасидаги ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион ўқитиш технологиялари **ёритилган ушбу қўлланма мавзуси** амалиётда шахсий мотивацияни ҳисобга оладиган, мақсадли дастурий воситалардан фойдаланишини назарда тутадиган адаптив (индивидуал ва табақалаштирилган) **ёндашувнинг** потенциал имкониятларидан етарлича фойдаланмаслик орасидаги кескин **зиддиятлар таҳлилига** бағишланганлиги билан долзарбдир.

Тил таълимида дастурий-педагогик воситалардан фойдаланиш

Она тили таълимида компьютер билан ўқув диалогини ташкил этишга мўлжалланган амалий дастурлар дастурий-педагогик воситалар (ДПВ) деб аталади.

ДПВнинг функционал вазифаси – **ўқувчиларнинг** индивидуал **имкониятларини** ва нимани маъқул **кўришини** ҳисобга олиб, ўқув ахборотини тақдим қилиш ва ўқитишни йўналтиришдан иборатдир. Одатда, ДПВ янги **ахборотнинг** ўзлаштирилиши **ундан** фойдаланувчининг дастур билан тескари алоқаси мавжуд бўлганида амалга оширилишини назарда тутати.

Дастурий воситалардан (ДВ) ўқув мақсадларида кўп йиллик фойдаланиш тажрибасига қарамасдан, унинг имконияти ҳали охиригача кашф этилганича йўқ. Бунинг сабаби ўқитиш мақсадларида компьютерли ўқитиш тизимини яратиш ва қўллашнинг мақсадга мувофиқлигини очиб берувчи назарий асосларнинг яратилмаганлиги ва айрим ДПВларнинг таснифи, типологияси ва қўйиладиган талабнинг мажмуи йўқлигидир.

Ўргатувчи дастурларнинг дидактик йўналганлиги мақсад ва вазифаларнинг қўйилишига боғлиқ.

ДПВларнинг турли **функционал йўналганлиги бўйича** қуйидагилар фарқ қилинади: намойиш қилувчи; маслаҳат қилувчи; операцион, тренажёрлар; назоратни амалга оширувчи дастурлар; (И.М.Бобко); машқ қилиш; мураббий; муаммоли ўқитиш; имитацион ва моделлаштирувчи; ўйин (Е.И.Машбиц); ўргатувчи; тайёрловчи; назорат қилувчи; намойиш қилувчи; моделлаштирувчи (Б.С.Гершунский); назорат қилувчи; ахборот; коммуникацион (Э.Г.Азимов); ўргатувчи; ахборот, назорат қилувчи; аралаш (С.В.Фадеев).

ДПВларни методик вазифаси бўйича **қуйидагича** таснифлаш мумкин:

1. Ўқитиш натижаларнинг шаклланганлик даражаси бўйича: билиш (янги материални ўрганиш); шакллантирувчи (**кўникма** ва малакалар устида ишлаш); умумлаштирувчи (билимларни тизимлаштириш ва умумлаштириш);

назорат қилувчи (эришилган билимларни ташхислаш: **кўникма** ва малакаларни назорат қилиш); комбинацияланган, ёрдамчи (И.М.Бобко).

2. Ўқув фаолиятини бошқариш усули бўйича: бошқарувчи (ўқитиш жараёнини йўналтиради); ташхисловчи (ўзлаштириш даражасини аниқлайди); намойиш қилувчи (ўқув материални намойиш қилади); генерацияловчи (ўқувчиларнинг **ўзига хос** хусусиятларини ҳисобга олиб, мустақил ишлаш учун саволлар, топшириқлар **тўпланини тавсия этади**); операциялар бажарувчи (ўқувчиларга топшириқ **ва** саволларни мустақил ечишни таклиф этади); назорат қилувчи (билимлар, кўникма ва малакалар назорат қилинади) (Е.В.Любичева).

ДВнинг вазифаси ўзида ўқитиш жараёнида фойдаланишнинг методик мақсади ва ўқув жараёнини жадаллаштирадиган сифат жиҳатидан янги даражага ўтказиладиган имкониятларини акс эттиради.

ДВ типологиясининг мақсадга мувофиқлиги бир қатор ҳолатлар туфайли бўлиб, булардан асосийлари қуйидагилардир: мавжуд ёки таклиф этилаётган ДВларни танлаб олиши зарурлиги; энг яхшисини танлаб олиш учун бир тип доирасидаги ДВларни таққослаш; ДВларнинг мураккаблик бўйича иерархиясини яратиш; турли методик вазифали мавжуд ДВлар тўпламида фойдаланувчининг вазифасини енгиллаштириш зарурати.

ДВларнинг методик вазифаси бўйича энг муфассал **типологиясида** қуйидагилар **ажратилди**:

– **ўргатувчи дастурий воситалар** – методик вазифаси билимлар бериш, ўқув ва амалий фаолият **кўникма-малакаларни** шакллантириш ва ўзлаштиришнинг дастур воситалари билан амалга ошириладиган тескари алоқа ўрнатиладиган даражасини таъминлашдан иборат;

– **тренажёрлар** – ўқув **фаолиятида кўникма** ва малакаларни машқ қилиш, мустақил тайёрланишни амалга ошириш учун **мўлжалланади**. Улардан, одатда, илгари ўтилган материални такрорлаш ва мустаҳкамлашда фойдаланилади;

– **назорат қилувчи дастурий воситалар** – ўқув материални ўзлаштириш даражасини назорат қилиш (ўзини ўзи назорат қилиш) учун мўлжалланади;

– **тест дастурлар** – ўқувчининг хато саъй-ҳаракатлари сабабларини қайд қилиш, унинг билимлари, **кўникма** ва малакаларини баҳолаш, ўзлаштириш ёки интеллектуал ривожланиш даражасини аниқлаш учун фойдаланилади;

– **ахборот-маълумотномали дастурий воситалар** – фойдаланувчига зарурий ахборотни танлаш ва чиқариб олиш имкониятини беради; уларнинг методик вазифаси – ахборотни тизимлаштириш бўйича **кўникма** ва малакаларни шакллантиришдан иборат;

– **имитацион дастурий воситалар** – воқеликнинг асосий структуравий ва функционал характеристикаларини бирор чекланган **сондаги** параметрлар ёрдамида ўрганиш учун унинг маълум аспектини ифодалайди;

– **ихтиёрий композицияли моделлаштирувчи дастурий воситалар** – ўрганувчининг ихтиёрига маълум воқеликни моделлаштириш учун функцияларнинг асосий элементлари ва типларини тақдим этади; улар объект, ҳодиса ёки ҳолатни тадқиқ қилиш мақсадида уларнинг моделини яратиш учун мўлжалланган;

– **намойиш қилувчи дастурий воситалар** – ўқув **материалининг** кўргазмали тақдим этилишини, ўрганилаётган ҳодисалар, жараёнлар ва объектлар орасидаги ўзаро алоқадорликни визуаллаштиришни таъминлайди.

– **ўқув-ўйин дастурий воситалари** – ўқув вазиятларига (масалан, **кўникмаларни** шакллантириш мақсадида оптимал қарорни қабул қилиш ёки оптимал саъй-ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш) мўлжалланади. Улар турли ўйин ва ўқув-ўйин фаолиятини таъминловчи воситадир; ҳордиқ **чиқаришга мўлжалланган** дастурий воситалар – ўқувчиларнинг синфдан, мактабдан ташқари ишини ташкил этишда фойдаланилади ва хотирани ривожлантириш мақсадини кўзда тутаяди.

Ўқитиш амалиётида бундай иш режимларига эга бўлган комбинацияланган дастур куйидагилардан иборат: намойиш режими; машқ қилиш режими; ўйин режими – ўқув мақсадларида ҳам ва чарчоқни чиқаришда фойдаланилади; назорат режими; маслаҳат (ёрдам) режими. “Ўргатувчи дастур” атамаси кўпчилик олимлар томонидан келтирилган таснифлардагидан кенгроқ маънода ишлатилади. Чунончи, типи ва вазифаси бўйича ҳар хил, аммо битта мақсад: билимлар, кўникма ва малакаларнинг маълум даражасига эришиш ҳамда уларни назорат қилиш мақсадидаги барча дастурлар тўплами сифатида тушунилади. Масалан, комбинацияланган дастурлар умумий тиниш белгилари бўйича гуруҳланган орфография коидаларини ўрганишга йўналтирилади.

Ҳар бир дастурда вазифалар (мақсадга эришиш йўллари) ўзига хос бўлиб, улар орфографик ўқув материали мазмунини, ўқувчиларнинг билиш имкониятларини ҳар бир орфографик (грамматик) тушунчага нисбатан конкрет структуравий ўқув жараёнларини психологик-педагогик жиҳатдан таҳлил қилиш асосида аниқланади. Энг умумий ҳолда бу ўқув жараёнлари орфографик материални киритиш, фаоллаштириш ва мустаҳкамлашдан иборат бўлади. Ўргатувчи дастурларнинг хилма-хил вазифалари уларни ҳал этишга умумий ёндашув билан бирлаштирилган бўлиб, у психологик ва ривожлантирувчи, муаммоли-модулли ўқитиш педагогик концепциясига асосланади.

Автоном (аниқ бир дарслик билан боғланмаган) дастурлар ва локал (аниқ бир дарсликдаги мавзуларни ёритиш билан боғлиқ) дастурлар ажратилади. Автоном ДПВларнинг яратилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳозирги вақтда кўплаб муқобил дарсликлар ва ўқитиш тизимлари мавжуд бўлиб, компьютерли дастурларни маълум бир дарсликка “боғлаш” оқилона иш бўлмайди.

Дастурлар дастурлаш усули бўйича фарқланади. Чизиқли, тармоқланган, циклик алгоритмлар бўйича дастурлаштириш мумкин. Комбинацияланган дастурларда аралаш дастурлаштириш усули қўлланилади.

Дастурлар ўрганувчи хусусиятларига адаптацияланиш қобилияти бўйича фарқланади. **Орфографияни адаптив ўргатиш тизимида адаптив, қисман адаптив, ноадаптив** дастурлар mavjud.

Адаптив дастур ўқув материални баён **этиш** усулини ўқитиш шароитларининг ўзгаришига: ҳар бир ўрганувчининг орфографик материални ўзлаштириш даражаси ва тезлигига боғлиқ равишда алмаштириш имконини беради. Адаптив дастурда у ёки бу саволлар, топшириқлар, шарҳлар, тавсиялар ўрганувчининг таклиф этилган саволга жавобининг тўлалиги ва тўғрилигига мос равишда компьютер томонидан танланадиган бир неча вариантлари бўлади.

Комбинацияланган дастурларни адаптив дастурлаш деб айтиш мумкин, чунки улар маълум босқичда адаптив характерда бўлади. Чунончи, намоёиш режимида дидактик **материалнинг** кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари томонидан идрок қилиниши хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бир неча **вариантини** тақдим этиш кўзда тутилган; орфографик **кўникмаларни** бирламчи мустаҳкамлаш бўйича тренинг режимида хатолар бўлганида машина, улар йўқ бўлганидагига қараганда кўпроқ топшириқлар таклиф қилади; тренинг режимида ўқувчилар топшириқларни тез ва беҳато бажарганларида, уларга қўшимча ўйинли материал таклиф этилади.

Ўргатувчи дастурлар *қисмларининг эркинлик даражаси* бўйича фарқланади. Тизимга **бирлашилган** дастурлардан фойдаланилганда нисбатан мустақил модулларга мурожаат қилиш имконияти бўлади. Бу модуллардан бири (намоёиш-машқ қилиш дастури) қоида билан бирламчи танишиш ва машқ топшириқларини бажариш учун, иккинчиси (назорат-машқ қилиш дастури) билимлар, **кўникма** ва малакаларни жорий назорат қилиш учун, учинчиси (**тест топшириқлари дастури**) – якуний назоратда орфографик хатоларни қайд этиш ва тушунтириш учун фойдаланилади.

Ўргатувчи модул ўқув материалининг тизимли квантлаш, муаммовийлик, модуллик, когнитив визуаллаштириш тамойиллари асосида тузилган ва бир ёки бир неча орфографик тушунчаларни компьютерли

воситалардан фойдаланиб ташкил этиладиган турли методлар ёрдамида ўрганишга йўналтирилган логик тугал **бирликни ифода**лайди.

Дастурлар ташкил этувчи элементларининг сони ва жойлашиш кетма-кетлиги бўйича фарқланади.

Комбинацияланган дастурлар **қуйидаги** тўртта структуравий элементдан иборат.

1-қисм. **Маълум** назарий маълумотларни, **хусусан** орфографик қоидаларни ўрганишга **тайёрлашни назарда тут**ади.

2-қисм. **Янги** қоида **бўйича бажариладиган** иш-ҳаракатларни кўргазмали намоёиш этишга **қаратилади**.

3-қисм. Тренажёр бўлиб, у орфографик таҳлил бўйича машқларни ўз ичига олади. Тренинг кўп сонли бир хил типдаги мисоллардан иборат бўлмаслиги лозим. Агар ўрганувчи 5 тача топшириқни ишонч билан бажараётган бўлса, бошқа иш турларига ўтилиши лозим.

4-қисмда назорат қилиш назарда тутилади.

Бу қисмлар учта модулга бирлаштирилган. Биринчи (намоёиш-машқ қилиш) модулига 1-2-қисмлар, иккинчи (назорат-машқ қилиш) модулига **3-қисм**, учинчи **тест топшириқлари модулига** 4-қисм киради.

Қоидаларнинг таърифларини онгли билиб олиш, орфографик масалани ечишда илк қоидаларни қўйишда компьютер дастурининг модулларини кетма-кет қўллаш ёрдам беради. Уларнинг мазмуни ҳар бир қоиданинг компонентлари **таърифидаги** таниш, танланма ва якуний белгиларни аниқлаш йўли билан ўзлаштириш бўйича изчил ва пухта ишлашга йўналтирилади.

Биринчи (намоёиш-машқ қилиш) модулининг структураси:

1-бўлим –“Орфографик материални ўрганишга тайёргарлик”.

2-бўлим –“Қоиданинг ифодаланиши устида ишлаш”.

3-бўлим–“Ўрганилган орфограммаларнинг сўзларда белгиланиш **тартибида**, қоиданинг таърифланишига **таянилади**”.

4-бўлим – “Орфографик **билимларни** бирламчи мустаҳкамлаш”.

Иккинчи назорат-машқ қилиш модули вариантли топшириқлар ва машқларни, **ўзаро** ёрдам кадрларини ўз ичига олади.

Учинчи **тест топшириқлари модули** табақалаштирилган топшириқларни ўз ичига олади.

ЭХМ учун дастур тузишда ўқувчилар **бажарадиган** иш-ҳаракатларнинг мотивацияланиши зарурлиги ҳисобга олинади. ЭХМ дастурлари билан ишлаганда саъй-ҳаракатларни бажариш мақсади **тушунарли** бўлиши лозим. Ўқиш нуқтаи назаридан бу маълум қоида ёки қоидалар тизимини эгаллаш, психологик нуқтаи назардан орфографик таҳлилни ўтказиш чоғида тафаккурнинг, ақлий саъй-ҳаракатлар операцион структурасининг ривожланишидир.

Фаолият мақсади билан дастлабки танишиш компьютерли ўргатув дастурлари билан ишлашда ўқитувчининг олдиндан тушунтириши билан амалга оширилади.

1-босқичда саъй-ҳаракатларнинг тахминий схемасини тузиш **бўйича** қоидаларни ўзлаштириш ўқувчиларнинг компьютерда дастур билан **ишлашларига** мўлжалланган. Дастур биринчи модулининг 1-3-бўлимларида орфографик саъй-ҳаракатларнинг қатъий аниқланган кетма-кетлиги ўрнатилади.

2-босқичда саъй-ҳаракатларнинг моддий ёки моддийлашган кўринишда бажарилиши дастур ўргатувчи модулининг 4-бўлими билан ишлаш жараёнида қоида алгоритмининг бирламчи мустаҳкамлашга йўналтирилган машқларни **бажариш юзасидан** орфографик таҳлил босқичларини экранда босиш йўли билан босқичларни ёзма тахт қилиш сифатида амалга оширилади.

Тахминий фаолиятни ижро қилиш асосининг шаклланишига компьютер дастури ўргатувчи модулининг тўртинчи бўлими – “Орфографик таҳлил **усулларини** бирламчи **мустаҳкамлашига доир** машқлар ёрдам беради.

3-босқичда саъй-ҳаракатни ташқи нутқ сифатида шакллантириш машинасиз ўқитишда ўргатувчи модулнинг биринчи модули билан ишлаш тугаганидан сўнг амалга оширилади.

Тўғри танланган дидактик материал билан ишлаш қоида бўйича билимлар ва саъй-ҳаракатларнинг умумлашишига олиб келади. **Шарҳлаш** учун мўлжалланган дидактик материалга қўйиладиган талаблардан бири орфограммаларнинг **мураккаблик** даражаси бўйича **вариантилигидир**.

4-босқичда ташқи нутқнинг шаклланиши имлицит характерда ихчам дастлабки гапириш билан боғланган ва дастурнинг иккинчи назорат-машқ қилиш модулида қўйилган орфографик машқларни мустақил бажаришда амалга оширилади. Орфографик таҳлил бўйича иш-ҳаракатлар қоиданинг таърифланиши билан кўрсатиб берилган ва динамик жадвалда акс эттирилган тартибга мувофиқ бўлади.

5-босқичда саъй-ҳаракатлар дастурнинг учинчи назарий машқларини бажаришда амалга оширилади.

Бошланғич синфларда компьютер дастурларидан фойдаланиб ўқитиш тажрибаси уларни қўллашда маълум кетма-кетликка риоя қилиш лозимлигини кўрсатди. **Чунки** интериоризациялаш (қоида бўйича шаклан ташқи мулоҳазалар жараёнларининг онг ва **онгости** соҳасида ақлий операциялар шаклида кечадиган ички жараёнларга ўтиши) фақат босқичдан босқичга **ўтиш** шартидагина муваффақиятли амалга ошади. Юқорида санаб ўтилган босқичларнинг ҳеч бўлмаганда бирининг ўтказиб юборилиши ўқувчиларнинг орфографик билимларни ёзув **амалиётида** қўллаш жараёнида саъй-ҳаракатларининг шаклланишида нуқсонларга олиб келади.

Дастурлар дисплей экранидан тақдим қилинадиган материал характери бўйича ҳам фарқ қилинади. Улар фақат тил бирликлари (сўз, сўз бирикмалари, **гаплар**) **ни**, тил материали, схемалар **ва** жадвалларни тил материали ва **расмларни** ўз ичига олиши мумкин.

Орфография бўйича дастурлар асосида тил материали ётади. Бироқ ёрқин кўриш образлари, график кўргазмалилик, тасвирларнинг динамик

характерда бўлиши материалнинг яхшироқ хотирлаб қолганига ёрдам бериши сабабли дастурларнинг комбинацияланган типиди мақсадга мувофиқдир. Комбинацияланган дастурлар характери бўйича турлича кўргазмалар материални оператив тақдим этиш компьютер имкониятларидан фойдаланиш имконини беради.

Методик **адабиётларда** ўқувчиларнинг ЭХМ билан диалогининг характери бўйича дастурларнинг икки типиди фарқланади: 1) фақат хатониди қайд этувчиди дастурлар; 2) уни тушунтирувчиди дастурлар.

Иккинчиди типдагиди дастурларнинг истиқболли эканлигиди шубҳасиздир. Чунки компьютер хатоларни **тушунтириши**, бартараф этиш йўлларини **кўрсатиши**, қоидаларни онгли қўллашга йўллаши мумкин.

Ўргатувчиди компьютер дастурлариди билан ишлашнинг турли ташкилий шакллари бўлиши мумкин: 1) индивидуал ишлаш; 2) жуфт бўлиб ишлаш; 3) гуруҳли ишлаш.

Компьютерда индивидуал ишлаш табақалаштирилган ёндашувни амалга ошириш имконини беради. Бироқ методика фанида ўқитишни индивидуаллаштириш ва табақалаштириш тамойилини амалга оширишни қийинлаштирадиган жуфт бўлиб ва гуруҳли ишлашнинг тўғрилигиди инкор **этилмасдан** ва компьютерли синфда ЭХМлар сони чегараланганлигиди туфайли ўқитувчиди ташкилий шаклларга ҳам муурожаат қилишига тўғри келади.

Шундай қилиб, орфографик мавзуларни ўрганиш дарслариди намоиш-машқ қилиш, назорат-машқ қилиш ва тестловчиди модулларни ўз ичига оладиган ва уларга фақат хатоларни қайд қилишгиди эмас, балки тушунтиришга қодир, индивидуал ишлашга йўналтирилган адаптив-қизиқарли ва муаммоли топшириқар қирадиган комбинацияланган дастурлар мақсадга мувофиқдир.

Орфографияга доир ДПВ модуллари

Компьютерли адаптив ўқитиш технологиясининг моҳияти қуйидагича: ўқувчиларнинг талаб қилинадиган орфографик компетентлиги ва ўргатилганлиги даражасига эришиш учун ўқув материали мазмунини **бойитиш**, унга адекват, ўқувчиларнинг тўла қисқартирилган ёки чуқурлаштирилган ўқиш вариантларини мустақил ўрганишга **доир** методлар, воситалар ва **шакллар танланади**.

Орфографияга доир компьютерли модуллارни яратиш **қуйидаги тарзда** амалга **оширилади**:

1. Орфографияни ўзлаштириш учун зарурий билимлар моделини модуль мақсадини ҳисобга олиб расмийлаштириш.


Модель махсус абстракциялар шакли бўлиб, уларда объектнинг муҳим муносабатлари кўрғазмали ва тасаввур қилинадиган, моддий ёки белгили боғланишлар **ҳамда** муносабатларда мустаҳкамланган **бўлади**; бу умумийнинг ўзига хос **бирлигидир**.

2. Субъектнинг объектив борлиқни моделлаштириш ва ўзгартиришга имкон берадиган мураккаб, тизимли иерархик ташкил этилган тузилма **сифатида** идеаллаштирилган предметликни яратиш ва унда белгили воситалар билан операциялар бажариш жараёнларидир.

Модель – бу, бирор-бир нарсанинг ўрнини босадиган, **фойдаланишга қулай**, маълум мақсад учун прототипнинг муҳим томонларини акс эттирадиган объектдир.

График моделларнинг дидактик **моҳияти таърифига** асосланиб, уларни турларга: шакли бўйича (расмлар, схемалар, жадваллар), мазмуни бўйича (тил объектининг ташқи томонлари моделлари, моҳияти ёки орфографик масалаларни ечиш бўйича саъй-ҳаракатлар дастурлари), вазифаси бўйича (конкретлаштирувчи ва абстрактлаштирувчи) ажратиш мумкин. Имло

қоидасининг моҳиятини акс эттирувчи мулоҳаза моделига қуйидаги схема хизмат қилиши мумкин:



Тайёрланиш хусусиятларига боғлиқ равишда матнни ўз ичига олувчи модель-таянчлар (плакатларни), матн ва чизмани ўз ичига олган таянчлар (жадваллар), чизмаларни ўз ичига олган **таянч** (схемалар) **фарқланади**.

Модель-таянчларнинг функциялари ахборотли, бошқарувчи, билиш фаолиятини ташкил этиш, назарий билимларни қўллаш **кўникмасини рағбатлантириш, умумлаштиришдан иборат**.

Бирламчи таянчлар материални англашга ёрдам беради, қоиданинг таърифланишини ўзлаштиришни осонлаштиради, орфографик таҳлил бўйича саъй-ҳаракатларни ёрқин намоиш қилади. Бу эса ўрганилган **нарсаларни келгусида** қайта тиклашга ёрдам беради.

Қайта тикловчи таянчлар саъй-ҳаракатлар намуналари **асосида** материал устида эркин ишлашга ёрдам беради.

Рағбатлантирувчи таянчлар намуна бўйича иш-ҳаракатлардан қоидаларни мустақил қўллашга ўтишга ёрдам беради, ақлий иш жараёнини тезлаштиради, ижодий қобилиятларни ривожлантиради. Бу эса ўқувчиларнинг ўрганилган ҳодисалар **орасидаги** боғланишларни аниқлаш истагида **юзага келади**.

Мактаб ўқувчиларини қоиданинг таърифланиши билан таништиришнинг турли усуллари самарадорлиги **қуйидагича** аниқланади:

1-вариант – дарсликдан қоида матнини **такрор** ўқиш;

2-вариант – қоида **таърифланиши** билан компьютер дастури **устид**а мустақил ишлаш натижасида танишиш назарда **тутилади**. Бунда у тил ходисаларини кузатиш ва таҳлил қилишдан сўнг график таянчлардан фойдаланиш билан бевосита идрок жараёнида график таянчларнинг аҳамияти каттадир.

3-вариант – ўқитувчининг сўзлар воситасида тушунтириши. График таянчлар унинг сўзларининг тасдиғи бўлибгина хизмат қилди.

Иккинчи вариантдан фойдаланилганда натижалар юқори бўлиб чиқди: ўқувчиларнинг 87,1%и қоида **таърифлини** онгли **равишда** қайта тиклашди, 78,8%и бу қоидани қўллаш **орқали** талаб этиладиган **вазифани** беҳато бажаришди. 1-вариант бўйича танишган ўқувчиларда бу кўрсаткичлар мос равишда 64,8% ва 75%, 3-вариантда эса 57% ва 33% бўлади.

2. Орфографик материални лойиҳалаш.

Орфография қоидалари кўп қиррали тайёргарлик ишини ва **материалнинг** таҳлил этилишини талаб қилади. Қоидаларни таҳлил қилишда дастлабки шаклдан алгоритмлаштирилган шаклга ўтиш шартлари **аниқлади**. Бунинг учун қоидаларни **расмийлаштириш**, компьютер ишлай оладиган кўринишга келтириш зарур.

А.Г.Азимов ақлий саъй-ҳаракатларнинг йўл қўйиладиган уч босқичини **фарқлайди**: алгоритмик, ярим эвристик, эвристик.

Баъзи қоидалар фақат маълум шароитлардагина амалга оширилади. Бу типдаги шартларни контекстли шартлар деб аташ мумкин. Контекстли шартларда қўлланиладиган конкрет шароитларда улар батафсил ёзиб чиқилиши лозим.

Кўп қоидалар керакли ҳарф ёки ҳарфлар бирикмаларини қуйидаги каби қоидалар билан аниқланадиган атрофдаги ҳарфларга боғлиқ равишда танланишини тавсифловчи моделлар билан берилиши мумкин. Бундай **ҳарфлардан** кейин “шубҳали” ҳарфлар ўрнига нуқта ёки юлдузча қўйилган сўзлар берилади, ўқувчи эса бу ҳарфларни тегишли клавишни босиб, “ўрнига

кўяди” ва ўз жавобининг баҳосини – иш тўғри ёки нотўғри бажарилганини кутади.

Баъзи ҳолларда қоидаларнинг қўлланилиши семантик шартларга боғлиқ бўлиб, бу дастурлаштиришда маълум қийинчиликлар яратади.

Қоидаларни дастурлаштириш уларни амалга ошириш шартлари аниқланганидан кейин ўтказилади.

Шундан кейин моделни ўқувчилар “текширишлари” учун материал танланиши лозим. Машинали моделлаштиришнинг бош устунликларидан бири болалар онгида қоида моделини мустаҳкамлаш бўйича машқ қилишни катта ҳажмли материалда ўтказиш имконияти мавжудлигидир. Агар анъанавий методика бўйича 2-синф ўқувчиси дарсда 60 та сўз ёзадиган бўлса, у ЭХМ ёрдамида энди 30 минут вақт ичида 240 тагача сўзли луғат массивини ишлаб чиқиши мумкин. Бошланғич материалнинг бирликлари сони ҳеч нарса билан чегараланмайди. У маълумотлар банкида сақланиши ва керакли вазиятларда талаб қилиб олинishi, масаланинг ҳажми ва мураккаблиги билан фарқланадиган бир неча вариантларда ишлаб чиқиши мумкин.

Моделлаштиришда ўрганилганларни дарсликдан орфограммаларнинг мураккаб вариантларини ҳисобга олиб танланган мисолларда мустаҳкамлаш назарда тутилади.

Машина билан ишлаганидан сўнг ўқувчи мисолларни ўзининг тил интуициясига таяниб танлаши ёки машина тақдим этган материални қайта тиклаши (репродуктив даража) ўқувчиларнинг фаоллигини оширади ва ўрганилаётган материални ўзлаштиришга ёрдам беради.

ЯАТларни қўллашда билимлар ҳажмига эмас, балки умумлашган билимлар билан умумлашма саъй-ҳаракатлар усулларининг эгалланишига ориентирланиш тил таълими амалиётида моделлаштиришнинг жорий этилишига олиб келди. Ушбу динамик моделлар (ўқувчи саъй-ҳаракатларини ЭХМ ёрдамида амалга оширади) ва компьютернинг ўзи тузадиган таснифий моделлар қўлланилади.

Жарангли ва жарангсиз жуфт ундошлар имлоси қоидаларини ўрганишда ДПВларда қўлланиладиган динамик жадвалнинг намунаси қуйида келтирилган.

Жарангли ва жарангсиз ундошлар имлоси

1-жадвал

Мавзулар	Ўрганилган орфограммани сўзларда белгилаш усуллари
Жарангли ва жарангсиз ундошлар имлоси	Сўздаги охирги ундош ҳарф ёки қўш ундошлар тагига тўлқинли чизиқ чизинг. <i>Тулқинли чизик</i>
Ундошларнинг ёзилиши ёки текшириладиган ундошдан кейинги унли турадиган бир ўзакли сўзлар имлоси	Орфограмма туриши керак бўлган жойни битта чизиқча билан чизинг. Сўзда ўзакни ўзгартиринг Сўзни ўзгартиринг Бир ўзакли сўзни танланг Тушириб қолдирилган ҳарфларни қўйинг. Сўздаги ундош ҳарфнинг тагига битта чизиқча унли ҳарфнинг тагига иккита чизиқча чизинг

Жадвалда жойлаштирилган маълумотлар экранда босқичма-босқич пайдо бўлади: аввал “Мавзулар” устунда турган қисм, кейин унга “Ўрганилган орфограммани сўзларда белгилаш усуллари” устунда турган қисм чиқади. Навбатдаги босқич: биринчи устундаги қисмдан кейин унга мос иккинчи устундаги қисм чиқади. Шу тартибда бутун жадвал тўлдирилади. Машина орфографик таҳлил намунасини кўрсатади, ўқувчиларнинг орфографик қоидани қўллаш бўйича кейинги иш-ҳаракатлари учун тўла йўлловчи асос беради.

Жадвал динамик, яъни мавзулар кетма-кетлиги тарзида пайдо бўлади. Бунга ёнма-ён равишда мавзулар ифодасининг мазмунига доир иш-

ҳаракатлар босқичма-босқич кўрсатилади. Саъй-ҳаракатларнинг бундай кетма-кет амалга оширилиши ўқувчилар хотирасида орфографик таҳлил тартибини **мавзу** ифодасига таяниш билан мустаҳкамлайди.

Орфографик моделлар типларининг хилма-хил бўлиши фақат имло малакаларини мустаҳкамлаш имкониятини берибгина қолмасдан, балки орфографиянинг фонетика, сўз тузилиши, морфология билан ҳам тизимли **боғланишини** кўрсатади. Жумладан, алгоритмик моделлар жадваллар кўринишида, белгилар “дарахти” кўринишида берилиши мумкин.

Ўқитиш алгоритмлари деб биз берилган типдаги масалаларни ечишда ўқувчининг **тафаккур** фаолияти мазмуни ва структурасини очадиган малакаларнинг ҳосил бўлиши ёки тушунчаларнинг шаклланиши учун амалий қўлланма бўлиб хизмат қиладиган логик тузилмаларни тушунамиз. **Кўринадик**и ўқитиш алгоритми деб, у ёки бу масаланинг ишлаб чиқилишида зарурий бўладиган тафаккур операциялари кетма-кетлиги **англашилади**.

Шу жараёнда ўқувчининг тафаккур юритиш фаолиятини кузатиб бориш, назорат **қилиш мушкуллигини таъкидлаш жоиз**. Аммо **шундай** қилинмаса, уни алгоритм бўйича **ишлашга** мажбурлаб бўлмайди. Бу қийинчиликни бартараф этиш воситаси сифатида ўқувчини “алгоритм операцияларининг бажарилишини моддий из қолдирадиган бирор ҳаракатлар билан белгилашга (тагига чизиш, урғуларни қўйиш, оралик шаклларни ёки текширув сўзларни ёзиш) мажбур қиладиган махсус машқларни **келтириш мумкин**. Бу **хилдаги** шарҳловчи ёзувлар ЭҲМ ёрдамида ҳам бажарилиши мумкин. **Шунга кўра** иш-ҳаракатларни тушуниш, **хотирада сақлаш** ва қайд қилиш алгоритм бўйича ишнинг муваффақиятли бўлишини таъминлайди.

Алгоритмлар тузиш бўйича дидактик ишнинг аҳамияти шундаки, **ўқувчилар** у ёки бу қоида қўлланиладиган **ҳолатларни** пухта ва синчковлик билан такрорлайдилар.

Компьютерли моделлаштириш она тили орфографиясини **ўрганиш** ва умумлаштирувчи **машқларда самарали бўлиб**, кичик ёшдаги мактаб **ўқувчиларининг** ўрганилаётган ҳодисалар алгоритминини тузиш ва уларни

текшириш учун материални ўзлари танлашига замин яратади. Бошқача айтганда, компьютерга нисбатан дастурловчи ролини амалга оширадilar. Ўқувчиларнинг ўзлари мустақил тузган алгоритмлар пухта эслаб қолинади. Амалиётнинг кўрсатишича, бундай иш тилга қизиқишни анча оширади ва қоидаларнинг қўлланиши бўйича саъй-ҳаракатларни англашга таъсир этади. Бунинг оқибатида, ёзилган сўзга диққат ошади ва саводхонлик яхшиланади.

Билимлар, топшириқлар ва машқлар банкани тўлдириш

Ҳозирги вақтда ахборот манбалари анча кенг бўлиб, китоблар, ўқув қўлланмалари, компьютер дастурлари, машғулотлар базалари, машғулотлар банклари, маълумотнома-ахборот ва эксперт тизимларидан иборатдир. Ўқув жараёнининг мувофиқлаштирувчи координатори ўқитувчи, талқинчи интерпретатори эса ўқувчидир.

Маълумотлар банкида дастурий-педагогик воситаларни яратиш учун зарурий ахборот сақланиши талаб этилади.

ДПВларнинг билимлар ва кўникмалар банкига орфографик масалаларни ечиш учун зарурий фонетик тушунчалар киритилади. Чунки кўпчилик ҳарфларнинг ёзилиши ўзбек тилининг товуш тизими хусусиятлари билан боғлиқдир. Орфография ва фонетика муносабатлари характери ҳисобга олинганда қуйидагиларни базавий тушунчалар сифатида қайт қилиш мумкин: унли ва ундош товушлар, урғули ва урғусиз унли ҳарфлар, жарангли ундошлар.

Ўзбек орфографиясида асосан морфологик тамойилга таянилгани учун маълумотлар базасида асосий сўзловчи тушунчалар бўлиши талаб этилади.

Ҳарфий орфограммаларнинг танланишини тартибга солувчи орфографик қоидаларда орфограмма ўрин оладиган морфемани кўрсатиш мажбурий компонентдир. Масалан, “урғусиз унлилар”, “феъллар, отлар, сифатларнинг қўшимчаларида урғусиз унлилар” га доир орфографик қоидаларда

морфемаларга кўрсатмаларнинг мавжудлиги кўпчилик ҳолларда орфограмма сўзнинг қайси қисмида туришига боғлиқ.

Орфограмманинг танланиши кўпинча бир ўзакли сўзларнинг структуравий-семантик боғланишларини ўрнатиш ёрдамида аниқланади.

Орфографияни ўрганишда қуйидаги сўз ясовчи тушунчалар базавий тушунчалар бўлади: олд кўшимча, ўзак, суффикс, кўшимча, бир ўзакли сўз, сўз асоси, сўз шакли.

Бундан ташқари билимлар банкида базавий морфологик тушунчалар ҳам бўлиши лозим.

Орфограммаларнинг танланиши кўпчилик ҳолларда сўзларнинг морфологик хусусиятлари билан белгиланади. Шунинг учун тегишли қоидаларда уларга феълнинг учинчи шахсига оид отларнинг турланишига оид кўрсатмалар каби турли кўрсатмалар берилади.

Орфографияга оид турли ишларда қуйидаги морфологик тушунчалар базавий тушунчалар ҳисобланади: атоқли отлар, турланиш, сон, келишик; “От” мавзусида (“Феъл” мавзусида) турланиш, ноаниқ шакл, вақт, шахс, сон; сон, келишик (“Сифат” мавзусида).

Орфографик қоидалар устида ишлаш учун зарур бўладиган базавий синтактик тушунчалар қуйидагилардир: сўз бирикмалари, сўз бирикмаларидаги бош ва эргаш сўзлар; гап бўлаги. Дарсликларда материалнинг ҳажми ва ёритилишини аниқлаш усуллариининг ишлаб чиқилмаганлиги, уларни қўллашда кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинмаслиги она тилини ўрганишга қизиқишига салбий таъсир кўрсатади ҳамда орфографик ва лингвистик тушунчаларнинг паст даражада ўзлаштирилишига олиб келади. В.П.Беспальконинг ҳисоблашига қараганда дарсликларнинг ахборот бўйича ҳажми 20 мартага етган. Маълум бўлишича, ўқувчилар дарсликлардаги маълумотларни тавсиялар асосида эмас, балки ўзларининг ёш хусусиятлари ва ўқув-билув имкониятлари бўйича ўзлаштиришар экан.

ДПВлар ёрдамида ўқувчи дарслик билан **одатда ишлагани** каби ўша орфографик масалаларни ҳал этади, бироқ бунда уларни ечиш усулларини **аниқроқ** тасаввур қилади ва машина томонидан қадамма-қадам назорат қилинишида, албатта ,тўғри натижаларга келади.

Ўқувчиларнинг орфографик кўникма-малакаларини ривожлантиришнинг муҳим воситаси—орфографик ўқув масалаларини ижодий ечиш шакллари дир. Ўзлаштириш объектларининг аниқлаштиришга қаратилган таҳлил жараёнида махсус ўқув-билув саъй-ҳаракатлари-орфографик таҳлил ўтказилади. Бу ҳаракатларнинг моҳияти объектни шундай ўзгартиришдан иборатки, унда ўрганилаётган объектни яхлит тизим сифатида тавсифловчи бошланғич муносабатлар-орфограмманинг таниш, танланма, якуний белгилари аниқланади. Бундан ташқари, бошланғич муносабатлар ва аниқ амалий масалаларни **ҳал этишда** объектнинг тегишли моделининг қўлланилишини белгиловчи хоссаларни ажратиш лозим. Компьютердан ўқув ахборотини моделлаштириш ва сақлаш универсал воситаси сифатида фойдаланилиши орфографияни ўзлаштириш жараёнида бажарадиган иш-ҳаракатларни такомиллаштириш имконини беради.

ДПВларни тайёрлашда ўқитишни индивидуаллаштириш ва табақалаштиришга олиб борадиган **мураккаб** ва максимал билиш фаоллиги тамойилларидан фойдаланилади. Бу тамойиллардан ўқувчиларга компьютер дастурида изланиш методи асосида тузилган топшириқлар киритилган **ҳамда** тушунтириш-иллюстратив ва репродуктив вариантни таклиф этиш мумкин. Дидактик материал ва орфографик иш-ҳаракатларни мураккаблик даражаси бўйича табақалаштиришнинг дидактик материални ҳажми бўйича табақалаштиришдан афзаллиги шубҳасиздир. Бироқ бундай кўп вариантли дастурий маҳсулот яратиш дастурчилар ва **методистлардан** кўп куч талаб қилади.

Жадвалда орфографик масалаларнинг компьютерли дастурлар модулларида қўлланиладиган дидактик вазифаси бўйича, мураккаблик даражаси бўйича фарқ қиладиган таснифи берилган.

Орфографик масалалар ечими

2-жадвал

Т/р	Кўриладиган масалалар	Вазифаси	Мисоллар
1	Кўлланилиши керак бўлган қоида маълум бўлган, яъни кўлланиш соҳаси ўрганилаётган мавзуда аниқланадиган амалий масалалар	Ўрганилаётган қоидани бир типли дидактик материалда машқ қилиш – репродуктив фаолият	Тушириб колдирилган ҳарфларни кўйиш ва қоидани аниқлаш
2	Айни қайси қоидаларни кўллаш ўқувчиларга аниқ маълум бўлмаган масалаларни ечиш	Имло малакаларини бир жинсли бўлмаган дидактик материалда таҳлил қилиш , қиёслаш, солиштириш тафаккурий операциялари асосида машқ қилиш – продуктив фаолият	Матнда орфограммани топиш, қоидани аниқлаш
3	Зиддиятли далиллар учрайдиган масалалар	Маълум қоидалар бўйича саъй-ҳаракатларни, билимларни таснифлаш ва табақалаш йўли билан янги дидактик материалга кўчиришни машқ қилиш – продуктив фаолият	Сўзларни ёзишда битта қоиданинг кўлланилишини аниқлаш Мисол:
4	Орфографик таҳлилнинг маъқул қадамларини қайта тиклаш зарур бўладиган масалалар	Қоидани кўллаш бўйича саъй-ҳаракатлар алгоритмини яратиш – репродуктив фаолият	Алгоритмнинг қайси қадамлари тушириб колдирилганлигини аниқлаш
5	Қоиданинг белгиларини ва кўлланиш шароитларини аниқлашга йўналтирилган масалалар	Муаммоли вазиятларни индуктив усул билан ҳал этиш – продуктив фаолият	Қайси график схема орфографик таҳлилнинг барча қадамларини акс эттиришини аниқлаш

Масалалар намуналари

Сўзларни маъносига қараб, ҳарфларни қўйинг.

Қайси сўзларга “и” ҳарфини қўйиш **мумкин**?

Ўқувчилар сўзларнинг ёзилиши **ҳарфларнинг** имло қоидаси, жарангсиз унлиларнинг имло қоидаси билан тартибга солинишини **аниқлайдилар**.

– Қайси сўзларга “а” ҳарфини қўйиш керак?

– Қайси сўзларга “д” ҳарфини қўйиш керак? Нима учун?

Сўзни аниқ талаффуз қилинг:

– **Схемага** қаранг ва 1 рақами остида турган схема қайси қоидага мослигини кўрсатинг:


– **Схемага** қаранг ва 2 рақами остида турган схема қайси қоидага мослигини кўрсатинг.

Ўргатувчи комбинацияланган дастур сценарийсини тузиш

Бир неча модуллардан иборат комбинацияланган дастурлар энг кўп тарқалган **бўлиб**, агар масала **БКМ** (билимлар-кўникмалар-малакалар)ни аниқлашдан иборат бўлса, ДПВ нинг тестловчи модели ишлаб **чиқишда уларнинг** ўзаро номувофиқлигини аниқлаш ва номувофиқлик даражасини **баҳолаш муҳимдир**.

Тестлаш маълум тест топшириқлари тўпламидан иборат махсус тестлар ёрдамида ўтказилади.

Тест топшириғи – конкрет предмет соҳаси бўйича бир қийматли жавобни ёки маълум саъй-ҳаракатлар алгоритминини бажаришни талаб қиладиган аниқ ва тушунарли **топшириқлар тарзида тузилади (1-расм)**.



1-расм. Компьютерли моделни аниқлаш топшириғи.

Тест – ўқувчининг маълум предмет соҳасидаги билимларининг билимлар эксперт моделига мослиги баҳолаш имконини берадиган ўзаро боғлиқ тест топшириқлари тўпламидир.

Тестлаш ўргатувчи тизим педагогик воситасининг модули сифатида бўлади ва ўқувчининг билимлари, **кўникма** ва малакалари даражасини баҳолаш имконини берувчи, таълим жараёнининг назорат методи сифатида фойдаланилиши мумкин. “Тестнинг таклиф қилинаётган вариантлардан

тўғри жавобни танла” тамойили бўйича ташкил этилиши ўқувчидан шахсий компьютер фойдаланувчиси сифатида яхши бошланғич тайёргарликни назарда тутди. **Жавоб** бериш уни териш билан амалга оширилади ва клавиатурани яхши билиш ҳамда матнни териш, унга тузатмалар киритишни билишни талаб қилади. Бу техник муаммоларни ҳал этиш дастур билан ишлаш моҳиятидан ўқувчини чалғитиши мумкин. Бундан ташқари, жавобни чиқаришда ўқувчининг мутлақ саводлилиги назарда тутилади. Тестнинг ўтиш тезлиги кўп жиҳатдан компьютерда ишлаш малакаларининг ривожланганлигига боғлиқ. Бунинг устига, тестнинг ҳар бир саволига жавоб турли даражали батафсилликда бўлиши мумкин. Тестнинг бундай ташкил этилишида жавоб тўғрилигини баҳолаш критерийсини танлаш кийинроқ бўлади, чунки **дастурчиларнинг жавоб муфассаллигини, ўқувчиларнинг саводхонлигини** ҳисобга **олиш-олмасликни** аниқлашлари талаб этилади.

Тестловчи дастур ўқитувчи нуқтаи назаридан қандай талабларни қаноатлантириши лозимлигини муҳокама қиламиз. Дастур: 1) осон ишга туширилиши; 2) тестланувчига ишлаш қоидалари ва саволларга жавоб тартибини батафсил тушунтиришга муфассал ва аниқ йўриқномага эга бўлиши; 3) ўқувчини тестлаш ва у тугаганидан сўнг, унга **баҳо қўйиши**; 4) ўқувчи хатоларга йўл қўйган саволларни ва уларга тўғри жавобларни намоиш қилиши; 5) **саволларнинг** осон алмаштирилишини таъминлаши, яъни универсал бўлиши; 6) маълум сондаги ўтилган саволлардан кейин тестлашни тугаллаш ва жавобларнинг бор миқдори бўйича баҳо қўйишга имкон бериши; 7) тестлаш учун зарурий файлларни улардаги аахборотни рухсат этилмаган ўзгартиришлардан ҳимоя қилиши; 8) дастурни ҳар бир янгидан ишга тушуришда тест саволларининг ва уларга таклиф қилинган жавобларнинг тартибини ўзгартириши (бу талабнинг бажарилиши ўқувчи билимларини баҳолашда объективлик **даражасини** оширади); ўқувчилар билан диалогни эслаб қолиши ва ўқувчи қилган барча хатоларни ва якуний баҳони махсус файлда сақлаши (бу ўқитувчига ўқувчининг тест билан ишлашини таҳлил қилиш имконини беради); 10) ўқувчининг ҳар бир саволга

ўйлаш вақтини чегаралаш ва ўқувчи жавоб беришга улгурмаган саволларни эслаб қолиши **ҳамда** тестлаш тугаганидан сўнг бу саволларни уларга тўғри жавоблар билан намойиш **этиши** (бу тест ўтказилишини тезлаштиради ва қўйилаётган баҳонинг объективлигини оширади); 11) иккита режим: “назорат” ва “тренинг” режимларида ишлаши лозим (буларнинг биринчисида тестнинг ҳар бир саволига жавобни ўйлаш вақти ҳисобга олинади, иккинчисида эса бундай қилинмайди).

Дастур ўқувчи билан диалог режимида ишлайди: иш бошида ўқувчи ўз фамилияси ва синфини кўрсатиши керак, шундан кейин дастур экранга тест саволларни чиқаради ва бир неча вариантлар орасидан тўғри жавобни танлашни таклиф қилади (ҳар бир савол учун жавоблар миқдори турлича бўлиши мумкин). Ўқувчи, ўзининг фикрича, тўғри жавобни клавиатуранинг рақамли клавишини босиб кўрсатади. Дастур нотўғри ва тасодифий босишлардан **муҳофаза қилиш** мақсадида босиладиган клавишлар назоратини таъминлайди. Ўқувчи киритган жавоб дарҳол текширилади ва экранда натижаси намоён бўлади: “Тўғри” ёки “Нотўғри”. Назорат иши режимида тестлашда жавобга ажратилган вақт лимитидан ошиш экранда “Ўйлаш вақти тугади” хабарини пайдо қилади. Бу тавсиф қилинган натижаларнинг ҳар биридан кейин тест саволининг алмашиши содир бўлади.

Тест саволларига жавоб бериб бўлиб, ўқувчи аслида тўғри берилган жавоблар сони учун баҳо олади. Бундан ташқари, жавоб беришда хатоларга йўл қўйилган саволлар ва уларга тўғри жавоблар намойиш қилинади. Экранда тестнинг аслида ўтилган саволлари, қилинган хатолар миқдори ва вақт **етмаслиги** туфайли ўтказиб юборилган саволлар акс этади.

Тестнинг ишлаши жараёнида ахборот “Тест протоколи” файлида электрон журналга ёзилади, унга олдин тестланувчининг фамилияси ва синфи ёзилади. **Баённома** натижаларнинг тўпланиш тамойили бўйича ташкил **қилинади**, яъни тестнинг ҳар бир янги ўтиши тестнинг олдинги ўтишларини йўқотмасдан, балки охирига ёзилади. Тест **баённомага** ўқувчи хато қилган барча саволлар ва уларга берган жавоблари, тест учун якуний баҳо: тестнинг

ўтилган саволлари; қилинган хатолар сони, вақт лимитига риоя қилинмаслиги сабабли ўтказиб юборилган саволлар сони ёзилади.

Тест саволлари файли ва тест **баённомаси** тўғри жавобларнинг ўтказиб юборилишидан ҳимояланган. Тест учун саволлар олдин махсус тарзда кодланган ташқи файлда жойлаштирилади. Бунинг учун дастур билан маълум шартларга риоя қилинганида ишга тушади. Ўқувчига фикрлаши учун ажратилган вақт ҳам ташқи файлда берилади ва ўқитувчи уни ўзгартириши мумкин.

Тестни машқ қилиш режимида ишга тушириш учун дастурнинг махсус параметридан фойдаланилади.

Тестлардан фойдаланиш **оммавийлиги** ва қўйиладиган баҳоларнинг объективлиги билан ўзини оқлайди. Бу эса дастур баҳолари ва ўқувчиларнинг дарслардаги оғзаки жавоблари учун баҳоларнинг амалда устма-уст **тушиши** билан тасдиқланади.

Тест саволларининг ташқи файлда жойлаштирилиши ва унинг **тузилиши** дастурдан ўқувчиларнинг орфографиядан мактаб дастурининг турли мавзулари бўйича билимларини тестлаш учун фойдаланиш имконини беради. Дастурнинг тестловчи ва назорат-машқ қилиш модулларига топшириқларнинг қуйидаги типлари киритилган: қоидаларни ўзлаштириш учун зарурий билимлар ҳажмини аниқлашга қаратилган топшириқлар; қоидаларнинг умумлашма қўлланиш усулларини аниқлаш мақсадида тил далилларини солиштиришни ташкил этувчи топшириқлар; орфограммаларнинг таниш, танланма ва якуний белгиларини аниқлаш мақсадида дидактик материални таҳлил қилиш **кўникмасига** йўналтирилган топшириқлар; ўзаро аралашадиган қоидаларнинг мазмунини таҳлил қилиш билан боғлиқ топшириқлар; у ёки бу **қоиданинг** таърифланишини тикловчи топшириқлар; қоида бўйича саъй-ҳаракатлар алгоритминини аниқлашга доир топшириқлар; орфограммаларни текшириш усуллари тўғрисидаги бир қатор тил **мисолларини** кузатишдан кейин ўқувчиларнинг хулосалар чиқаришларига доир топшириқлар; орфограммаларни киритишга доир

топшириқлар; орфографик зийракликни **шакллантиришга** доир топшириқлар; умумлашма моделларни тузишга доир топшириқлар.

Ўқитишда, тестловчи модуллардан ташқари, кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида катта қизиқиш уйғотадиган компьютерли ўйинлар кенг **тарқалган**. Ўйинли модуль ичма-ич жойлашиш тамойили бўйича ташкил этилган **жараёнли**, объективли, сюжетли ва муаммоли-**ориентирланган** даражаларда лойиҳалаш билан яратилади.

Компьютерли ўйинларни лойиҳалашда диққатни, фақат ўйин **мақсадларига** эмас, балки ўқув мақсадларига қаратиш, кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари фаолиятининг норостакам маҳсулотларини ростакам маҳсулотларга ўтказишни кўзда **тутилади**. Бунинг учун махсус методик усуллардан фойдаланилади; сўнгра айни шу ўйин компоненти (ўйин **таркиби**, қоидалари, ўйин натижаларини баҳолаш усули, ўйин элементлари, персонажлар ва бошқалар) лойиҳаланиши лозим; шундан кейин ўқув материали бевосита ҳисобга олинади. **Битта** ўйин структурасидан фойдаланиб, унга тегишли дидактик материални киритиш ўқув мақсадларига эришиш имконини беради. Битта ўйиннинг ўзини унинг қоидалари, мураккаблик даражаси, ўйин суръатини ўзгартирмасдан, янги ўқув мақсадларини қўймасдан, кўп қарра такрорлаш **шарт** эмас. **Акс ҳолда** ўқувчилар унга қизиқмай қўйишади. Ўқитувчи ўйиннинг боришига аралашмайди, фақат баъзан, агар ўқувчи жуда муваффақиятсиз ўйнаётган бўлса, ёрдам беради.

Ўйин охирида ўқувчига унинг натижасини ҳам, ўқув масаласини ечганлиги учун **баҳо қўйилмайди**.

Битта ўйинни эмас, балки ўқув мақсадлари мажмуасини ҳал этишга йўналтирилган ўйинлар тўпламини (педагогик компьютерли сериал) лойиҳалашга интилиш зарур, бироқ ўйинларнинг меъёрида ортиқ “дидактиклашуви”дан қочиш **тақозо қилинади**.

Компьютерли ўйинлар муҳити ўйинли масалаларни ўйинли **бўлмаган** ўқув масалалари билан бириктиришнинг самарали усулидир. Чунки у иккала

синф масалаларини ечиш учун зарурий объектлар ва **жараёнларни** ўз ичига олади.

Компьютерли ўйинлар қоида билан танишишда, мустаҳкамлашда, орфографик материални назорат қилишда қўлланилиши мумкин.

ДПВ сценарийсини тузишда навбатдаги кадам ЭҲМда ишлаш учун ўзбек тилининг қайси мавзуларини танлаб олиш мақсадга мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Комбинацияланган дастурлар учун бир неча турдош қоидаларни, яъни орфограмманинг битта таниш ёки табақалаштирувчи белгисига эга **бўлган** қоидаларни бирлаштирадиган умумлаштирувчи мавзулар мақбул кўрилади.

Бу қоидаларнинг ҳаммаси тегишли умумлаштиришни назарда тутати.

Материални умумлаштиришда ҳар бир қоида ўқувчилар онгида унга турдош бошқа ҳамма қоидалардан мутлақо ажралиб **қолгандек** тасаввур қилинмаслиги лозим. Чунки уларни ўрганиш баъзан жуда **кўп** вақт оралиқлари билан ажралади. Умумлаштирувчи мавзуларда **билимлар** тизимлаштирилади.

Умумлаштирувчи мавзулар устида ишлаш жараёнида ўқувчилар турдош қоидаларнинг ўхшаш ва фарқли белгиларини, шунингдек, бу орфографик масалани ечишда сўз таҳлилининг маълум тартибига риоя қилиниши керак. Шундай қилиб, умумлаштириш турдош орфографик қоидаларнинг муҳим белгиларини очиш ва уларнинг иерархиясини ўрнатишга ёрдам беради.

Бундан ташқари, умумлаштириш илгари шаклланган малакаларни яна ҳам юқори даражада мустаҳкамлаш имконини беради.

Умумлаштирувчи мавзулар бўйича компьютер техникасидан фойдаланиш дарсларни **ўтиш** методикасини ишлаб **чиқиш** учун янги истиқболлар очади, чунки ЭҲМ умумлашмаларнинг шаклланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган тамойиллар - тескари алоқа, структуравийлик, алгоритмлаштириш, ўқитишни индивидуаллаштириш, кўргазмалиликни амалга оширишни енгиллаштиради.

Компьютерли дастурлар учун умумлаштирувчи мавзуларнинг танланиши унчалик ҳам тасодифий эмас - компьютер хусусий қоидаларни йириклаштириш, ўрганилган материални умумлаштириш, она тили орфографияси хусусиятларини англаш, қоидаларни бирлаштирувчи умумий белгиларни аниқлашга ёрдам беради.

Бундан ташқари, умумлаштирувчи мавзулар бўйича компьютер дастурларининг яратилиши ҳозирги замон методикасининг материални йирик блокни қилиб бериш йўналишлари билан ҳам боғлиқ. Шундай қилиб, умумлаштирувчи мавзулар бўйича компьютерли дастурлар **диапвзони** кенгаймоқда, чунки уларга амалдаги дастур бўйича ишлаётган ўқитувчиларгина эмас, балки она тили курсининг янги вариантларини яратувчилар ҳам мурожаат қилишмоқда.

Компьютерли синфлардан фойдаланиш имкониятлари ҳозирча чекланганлиги ҳисобга олинса, умумлаштирувчи мавзулар компьютер дастурларининг назорат-машқ модулларини яратиш учун энг мақбуллиги келиб чиқади.

Дидактик материални пухта, методик мақсадга йўналтирилган ҳолда танлаш – методиканиннг энг муҳим талабларидан биридир. Ўргатувчи дастурлар учун танланган дидактик материал орфографиядан машқларни ташкил этишда асос бўладиган **қуйидагича** тил материали талабларига мувофиқ бўлиши лозим:

- 1) орфограммаларнинг барча вариантларини ҳисобга олиш;
- 2) тил материалида имлонинг энг типик ҳодисалари акс этиши;
- 3) ўзаро аралашадиган ёзувларнинг бўлиши;
- 4) матнда фойдаланиладиган сўзлар, шакллар, ясама конструкцияларнинг кенг қўлланишга эга эканлиги;
- 5) дидактик материалнинг ўзидаги орфографик қийинчиликларнинг секин-аста ортиб бориши дастлаб ўқувчилар битта орфографик қоида доирасидаги материал билан ишлашади, сўнгра турли ўзаро аралаш

ёзиладиган сўзлар жалб қилинади ва ниҳоят, бир неча турли орфограммалар учрайдиган сўзлар таклиф қилинади;

б) дидактик материалнинг мураккаблашуви (айрим сўзлардан сўз бирикмалари, кейин гапларга ва, ниҳоят, матнга **ўтиш** мақбулдир). Бирок шуни қайд этиш керакки, матнлардан компьютерда фойдаланиш кийинроқдир, чунки экран ўлчамлари чегараланган, ҳарфларнинг баландлиги, сатрлар орасидаги оралиқлар эса экранда ўқиш қулай бўлиши учун маълум меъёрларга тўғри келиши лозим. Бундан ташқари, ҳарфлари, тиниш белгилари тушириб қолдирилган деформацияланган матн билан ишлаш учун жавобларнинг киритилиш усуллари мураккаблаштиришга тўғри келади.

Шу билан бир вақтда, машқларни кўп қарра такрорлашда дидактик материални вариациялашга имкон берадиган лексик **матнни** массивни яратишда компьютер имкониятларининг **максимал** амалга оширилиши мақбулдир.

Айрим олимлар ўйинли дастурларга дидактик материални танлаётганда мавзулар бўйича гуруҳлаш ва ўйин номи билан боғлаш мақбул деб кўрсатади.

Ўқитиш моделини яратиш компьютер дастурларини яратиш технологиясида, навбатдаги босқичдир.

Ўқув жараёни, мураккаб тизим сифатида қуйидаги тўртта таркибий қисмни ўз ичига олади:

- 1) ўқув режаси;
- 2) курснинг структураси ва мазмуни;
- 3) ўргатувчи муҳит (педагог, ўқитиш воситалари ва технологиялари);
- 4) таълим жараёнининг назорати;

Биринчи икки қисм ўқув предмети соҳасидаги билимларнинг **дидактик** моделини ташкил этади.

Модулли ўқитиш – орфографияни адаптив ўқитишнинг зарурий

қисми. Модулли ўқитиш тамойиллари

Модулли ўқитиш комбинацияланган дидактик тизим бўлиб, ўз ичига дастурлаштирилган ўқитишнинг бир қатор элементлари ҳамда ўқув фаолиятини индивидуаллаштириш ва табақалаштиришнинг бошқа воситаларини олади.

Дидактик маънода модуль – бу ўрганувчи учун мазмунни ўз индивидуал суръатида тўла **эгаллашга** олиб келадиган таълим методлари буюрилган саъй-ҳаракат тўпламидир.

Шунга кўра, айтиш жоизки, Модуль – бу, модулли ўқитишнинг асосий воситаси бўлиб, тугалланган ахборот блокидир ва ўз ичига иш-ҳаракатлар мақсадли дастури ва қўйилган мақсадларга эришилишини таъминловчи методик қўлланмани олади.

Модулли ўқитиш моҳияти қуйидагича: таълим субъекти ўзига таклиф этилган, ўқитиш модулида баён қилинган ўқув материали **устида** у ёки бу даражада мустақил ишлайди. Айрим ўқитиш модули иш-ҳаракатлар мақсадли дастури, ахборот банки ва ўқувчилар олдига қўйилган ўқув мақсадларига эришиш бўйича методик қўлланмани ўз ичига олади.

Модулли ўқитиш орфографияни ахборот технологияларидан фойдаланиш шароитларида адаптив ўқитиш тизимининг таркибий қисмидир.

Қонуниятли боғланишлар **тасодифий** боғланишлардан устивор бўлган тизим тартибланган тизим деб аталади. Тизим қанчалик яхлит бўлса, у шунчалик яхши ишлайди. Грамматик-орфографик билимлари, **кўникма** ва малакаларни ўзлаштириш фаолиятининг оптимал дидактик тизими унинг ишлашини бошқариш ва ростлаш бу тизимнинг айрим элементлари мустақиллигини бузмайдиган қилиб ташкил **этишдир**. Тартибланганлик тизимнинг ўзгарадиган шароитларга жавоб беришини англатади.

Модулли ўқитиш тизимнинг яхлитлигига айти шу ёндашувни ҳисобга олади ва ўқув жараёнини ўқувчилар ва педагогларнинг мақсадга йўналган фаолияти сифатида қарайди. **Бу** ерда ўқитиш бошқарувчи функцияни, ўқиш

эса ўзини ўзи бошқарадиган функцияни амалга оширади.

Модулли ўқитиш тизимини яратишда иерархия тамойили ҳисобга олинади, бошқарув иерархиясида юқори бўғин ўқитишда назорат-коррекция фаолияти, қуйи бўғин эса ўқув фаолиятини мустақил бошқаришни амалга оширувчи ўқувчилар саъй-ҳаракатлари бўлади. Ўқитувчининг бошқарувчи ва координацияловчи фаолияти ўқитиш модуллари воситасида амалга оширилади.

Модулли ўқитишнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1) модуллик; 2) ўқитиш мазмунини ажратилган элементларга структуралаш; 3) динамиклик; 4) билимлар ва улар тизимини тақдим этишда амалийлик ва оперативлик; 5) мослашувчанлик; 6) истиқболнинг англанилиги; 7) маслаҳат методларининг ҳар томонламалиги; 8) параметлик.

Модулик тамойили ўқитишга ўз ифодасини таълим шакли, мазмуни ва методларида топадиган ёндашувни аниқлайди. Бу тамойилга мувофиқ, модулли ўқитиш айрим функционал блоклар – конкрет дидактик мақсадларга эришиш учун мўлжалланган модуллар бўйича тузилади. Ўқув материалининг автоном парчалари методик белгилар бўйича модулларга ажратилади.

Бу тамойил индивидуаллаштириш асоси **бўлиб**, орфографик малакаларни ўзлаштириш соҳасида билиш фаолияти типларига мувофиқ турли маршрутларни танловчи ўқувчиларни босқичли тайёрлашни таъминлайди. Бу тамойилнинг амалга оширилиши қуйидагиларни **назарда тутади:**

1) **ўқув материалининг махсус тузилиши ҳар бир ўқувчининг олдида қўйилган мақсадига эришишига ёрдам бериши;**

2) айрим ўқитиш модули ва умуман дастурли модулда ўқитишнинг турли шакллари ва турлари мужасамлашиб, улар биргаликда қўйилган таълим мақсадларига эришилишини таъминлаши.

Мактаб ёшидаги кичик ўқувчилар учун таклиф этиладиган компьютер дастурлари пакетида қуйидаги модуллар фарқланади:

1. Намойиш-машқ қилиш модули. У ўқувчиларни орфографик

таҳлилнинг конкрет тоифаси ва тартиби билан таништиришдан иборат бўлади. **Унда материалнинг** тақдим этилиш усуллари турличадир. Ўқитувчи ўқувчиларга қоида билан танишиш учун турли вариантларни уларнинг идроки, хотираси, тафаккури хусусиятларига мувофиқ равишда тақлиф этади.

Масалан, абстракт-логик тафаккур типи устивор бўлган ўқувчилар учун ҳарфлар бирикмаларининг имло қоидаси билан таништиришнинг қуйидаги варианты афзалроқдир.

I вариант

1. Орфографик қоидани ўрганишга тайёрланиш
2. Орфографик қоида устида ишлаш
3. Сўзларда ўрганилган **орфограммани** қоида таърифига таяниб белгилаш
4. Орфографик таҳлил тартибини қоида таърифига мувофиқ бирламчи мустаҳкамлаш

Сўзли-логик тафаккур типи устивор бўлган ўқувчилар учун ҳарфлар бирикмалари имло қоидаси билан **таништиришнинг** қуйидаги **варианти** мақбулроқдир.

II вариант

1. Қоидани ўрганишга тайёрланиш.
2. Орфографик материал устида ишлаш.
3. Қоидани бирламчи мустаҳкамлаш.
4. Орфографик таҳлил тартибини қоида таърифига мувофиқ бирламчи мустаҳкамлаш.

Кўргазмали-образли тафаккур типи устивор бўлган ўқувчилар учун ҳарфлар бирикмалари имло қоидаси билан **таништиришнинг** қуйидаги **варианти** мақбулроқдир.

III вариант

1. Орфографик қويدани ўрганишга тайёрланиш.
2. Орфографик материал устида ишлаш.
3. Орфографик таҳлил тартибини ўзлаштириш.
4. Қويدани бирламчи мустаҳкамлаш.

Бу вариантларга **хос умумий хусусиятлар** қуйидагилардан иборат:

– биринчи вариантда янги **материалнинг** қоида таърифини таҳлил қилиш якуний белгиларини ажратиш асосида орфографик таҳлил бўйича саъй-ҳаракатларни англаш йўли билан ўзлаштирилишига қаратилган;

– иккинчи вариантда қويدани унинг график шаклда берилган алгоритминини таҳлил қилиш йўли билан ўзлаштириш кўзда тутилган;

– учинчи вариантда қويدани образли тақдим қилиш қофияланган шаклда эслаб қолиш мўлжалланган.

Учинчи вариантнинг яна бир хусусияти шундаки, унда бошқа вариантларга қараганда бирламчи мустаҳкамлаш учун каттароқ ҳажмли материал берилган.

2. Назорат-машқ қилиш модули. **Ўқувчилар** орфографик қويدани ўзлаштириш соҳасида қанчалик олға силжиганликларини кейинчалик методик таъсир аниқланган бўш жойлар асосида коррекциялаш учун аниқлашдан иборат. Бу модул топшириқлари биринчи вариантда юқорида даражадаги муаммоликнинг, орфограммаларнинг мураккаб вариантлари мавжудлиги билан ажралиб туради.

Назорат-машқ қилиш модулида топшириқлар дидактик ўйин кўринишида берилиши мумкин.

3. Тестловчи модул. Унинг мақсади мавзу бўйича орфографик малакалар шаклланганлигининг якуний даражасини аниқлашдан иборат. Бу модулда **ўқувчиларни** ўзлаштирилган билимлар интерференциясидан қочишга ўргатиш учун ўзаро аралашадиган орфограммалар назорат-машқ қилиш модулидагидан кўпроқ даражада берилган. Ўхшаш орфография

ходисаларининг аралашуви назарий материални баён этиш даражаси учун эмас, балки амалий ёзиш даражаси учун кўпроқ хосдир. Ўқувчилар **топшириқларни** бажараётганларида фақат вариацияланадиган тафаккур саъй-ҳаракатларини англашади, шу билан бир вақтда, бир типли саъй-ҳаракатлар онг **сферасидан** қисман ёки буткул йўқолиши мумкин.

Ўқитиш мазмунини ажралган элементларга структуралаш тамойили модуль мазмунини ташкил этадиган материални фақат яхлит бутунлик сифатидагина эмас, балки маълум структурага эга бўлган, ажратилган элементлардан иборат деб ҳам қаралишини талаб қилади. Модулнинг ҳар бир элементига маълум бир дидактик мақсад мос келади. Модулнинг мазмуни **интеграцияланган** мақсадга эришилишини таъминлайдиган ҳажмда бўлиши лозим. **Ўқитишнинг** хусусий мақсадига **эришишда** модулнинг **мазмунини** тегишли элементининг хусусий мақсадларига эришиш учун хизмат қиладиган элементлар тўплами ташкил этади. Структуралаштириш тамойили дастурлаштирилган ўқитишда ўқув материални қисмларга бўлиш тамойили билан ўхшашликка эга. **Орфографияни** ўқитиш учун мўлжалланган модулларда бу қисмлар – қоидалардир. Жами 46 та сценарий тузилган **бўлиб, улардан** 24 таси **қоидаларни** ўрганиш **учун**, 22 таси умумлаштирувчи такрорлаш учун мўлжалланган умумлаштирувчи такрорлашни ташкил этишда **қоидаларни** турли асослар бўйича гуруҳлаш назарда тутилган.

Динамиклик тамойили ўқувчиларнинг орфографиядан **БКМни** тўла эгаллашга томон **бориш** динамикасини ҳисобга олиб, **модуль мазмунининг** эркин ўзгартирилишини таъминлайди. Ҳар бир модулнинг мазмуни янги материал билан тўлдириладиган ёки буткул ўзгартириладиган, ўқитиш модулининг шакли унинг элементларини бошқа элементлар билан осон алмаштиришга имкон берадиган бўлиши лозим.

Билимлар ва улар тизимини тақдим этишда амалий ва оператив бўлиш тамойили ўқувчиларнинг фақат муҳим, амалиётда қўлланиладиган билимларни ўзлаштиришларини талаб қилади. **Унда** бошланғич синфлар учун она тили дарсликларига кирадиган ахборот ҳажмининг **ошиб бориши,**

янги бўлимларнинг кўшилиши ўқувчилар билишлари лозим бўлган у ёки бу фаолият турлари кўринишида санаб чиқиш ва уларда экспериментал, ижодий кўникмаларни шакллантириш назарда тутилади.

Ҳар бир ўқув фани бўйича билимлар дастуридан ташқари “иш-харакатлар дастури” ҳам бўлиши, фақат фаолият турларигина эмас, балки иш-харакатлар усуллари ҳам ўргатилиши лозим.

Модулли ўқитишда фаолиятли ёндашув рецептурали ўқитишга келтирилиши лозим. Фаолият фақат амалийгина эмас, балки оператив билимларни ҳам шакллантиради ва бу билимлар ўқувчилар топшириқларни мустақил бажариш жараёнида ташаббус, билимларни улар эгаллаган вазиятлардан тубдан фарқ қиладиган вазиятларда ҳам фойдаланиш қобилиятини намоён этганларидагина эгалланади.

“Билиш – бу олинган билимлар билан доимо бирор ниманидир қилишни билишдир” – деб ҳисоблайди Н.Ф.Тализина. шунга кўра, билимлар сифати улар билан нима қилишни билиш билан аниқланади. Амалий ва оператив билимлар кўникмалар билан бирлик ҳосил қилади. Бу билимлар ва кўникмалар тизими ўқувчига уларни амалий ўқув фаолиятида қўллаш имконини беради.

Модулли ўқитишда мақсадлар ўқувчи эгаллаши лозим бўлган фаолият турлари ва усуллари атамаларида таърифланади. Ўқишга ижодий ёндашув ўқув материални муаммоли баён этилиши орқали таъминланади.

Ўқувчиларда операциялар малакалар соҳасидаги нуқсонларни бартараф этиш учун кўникмалар ва малакаларни қўллашнинг қайси босқичида кўпинча адашишлар содир бўлиши аниқланади ва аниқланган камчиликларни тўғрилаш учун адаптив топшириқлар лойиҳаланади.

Мослашувчанлик тамойили модулли дастурни ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларига мувофиқ равишда билимларни ўзлаштиришнинг турли йўллариини таклиф этиш имконияти мавжуд бўладиган қилиб тузишни талаб қилади.

Н.А.Менчинская, Л.К.Ланда, С.Л.Рубинштейн, В.А.Крутецкийларнинг

асарларидан маълумки, ўқувчиларда билимларни ўзлаштириш даражасида, тафаккур операцияларининг шаклланиш **тезлиги** ва қобилиятларида катта фарқлар mavжуд.

Модулли ўқитиш айрим модулнинг мазмунини тузишда ҳам, ўқувчиларнинг ўқув материални ўзлаштиришнинг индивидуал йўллари ва суръатини танлашларида ҳам мослашувчанликни таъминлайди.

Модулли ўқитишнинг ўқув материалининг баён **этиш** шакллари хилма-хиллигида намоён бўладиган мослашувчанлиги адаптивлигини таъкидлаш лозим. Бу ўқувчининг тафаккур типии - сўзли-логик, абстракт-логик, кўргазмали-образли типлар билан белгиланиши мумкин.

Таълим суръатини индивидуаллаштириш ва табақалаштириш бўйича модулли ўқитиш ва дастурлаштирилган ўқитиш имкониятлари бир хилдир. Модулли ўқитиш имкониятлари дастурлаштирилган ўқитиш имкониятларидан кенгрокдир, чунки бунда ўқувчи ўз олдига қўйилган таълим мақсадига эришиш йўлини ўзи танлаш имкониятига эга. Ўқитувчи асосан коррекциялаш функциясини бажаради. Дастурлаштирилган ўқитишда қатъий **бошқарув** ўқувчи олдига қўйилган ўқув вазифасини ҳал этиш йўлини танлашга имконият қолдирмайди.

Ўқувчиларга индивидуал-табақалаштирилган **ёндашувни** модулли ўқитиш ёрдамида амалга ошириш учун, энг аввало, ўқувчининг психологик сифатлари, **билимларининг** бошланғич даражасини ташхислаш зарур. Ўқувчининг индивидуал **хусусиятларини** ҳисобга **олган** ҳолда ўқитиш модулига ўқитишнинг ҳам интегралланган, ҳам табақалаштирилган хусусий мақсадлари жойлаштирилади ва **шунга** мувофиқ равишда модулнинг ва ўқувчига методик тавсияларнинг мазмуни танланади.

Модулли ўқитишда методик маслаҳатнинг ҳар томонламалик тамойили ўқитишни индивидуаллаштириш ва табақалаштиришнинг умумий ғоясига жавоб беради ва унинг **асосида** Л.С.Виготскийнинг таълим мазмуни ўқувчилар имкониятига мос бўлиши зарурлиги тўғрисидаги **ғояси туради**.

Ўқитиш методларини бириктириш, ўқув материални баён қилиш

усулини танлаш ўқитувчи томонидан амалга оширилади. Ўқувчи эса ўқув материални ўзлаштириш усуллари мустақил танлаши лозим. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг модуль билан мустақил ишлашни ташкил эта олмасликлари педагог зиммасига фақат ўқув материали билан ишлаш бўйича методик тавсияларнигина эмас, балки ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этиш, унинг самарадорлигини ошириш бўйича **тавсиялар** ишлаб чиқиш заруратини **ҳам** кўяди.

Модулли ўқитишда параметрлик тамойили ўқитувчи ва ўқувчилар орасида субъект-субъектлик муносабатларни амалга оширишни таклиф этади. Субъект-субъектлик муносабатларни субъект-субъектлик муносабатлар соҳасига ўтказиш учун базис даража – бу ўқувчиларда маълум **тайрёланганлик** даражасининг мавжудлигидир.

Субъект-субъектлик муносабатлар ҳамкорлик педагогикасида амалга **оширилади**. Унинг асосида эса гуманитарлаштириш ғоялари ётади. Бу ғоялар мактаб ўқувчиси шахсиятини ҳурмат қилиш, унинг қобилиятларини ривожлантириш, эркин танловни бериш, ўзини ўзи **таҳлил қилишни** назарда тутади, ўқитувчи ва ўқувчининг бир-биридан бегоналашувини истисно этади.

Мазмунли истиқбол тамойили таълимнинг яқин ва олисроқ истиқболларини тушуниш ва англашни талаб этади. Ўқув фаолиятини бошқариш мақсадлари таърифлашдан бошланади. Агар ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини мустақил бошқариш имкониятидан фойдаланиладиган бўлса, у ҳолда ҳам хусусий, ҳам интеграциялашган таълим мақсадларини равшан ва тушунарли таърифлаш лозим. Модулли ўқитишда мақсадлар фаолиятнинг аҳамиятли натижалари сифатида майдонга чиқади. Улар ўқувчилар томонидан билиш ва амалий фаолиятининг истиқболлари сифатида англаниши лозим.

Дастурий-педагогик воситалар модулларидан фойдаланишда йиллик, чораклик, конкрет **мавзуларни** ўрганиш режаси тузилади. Ўқитувчи **ўқувчиларни** ДПВ мазмунини акс эттирадиган ўқув қўлланма билан таъминлайди ва компьютерли ёрдамдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ

бўладиган босқичларни танлайди. Ҳар бир ўқувчига таълим истиқболи мажмуавий дидактик мақсадни кўрсатиш билан етказилади. Ўқувчи уни шахсан ўзи учун муҳим ва кутадиган натижаси сифатида қабул қилиши муҳимдир.

ХУЛОСА

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларига орфографияни компьютер воситасида ўргатиш – адаптив ўргатиш тизими олдидаги долзарб масалалардандир. Шунга доир якуний ишлар кўрсатишича, эталон амалларга асосланадиган ва қоидалар таърифларининг талабларига жавоб берадиган хатосиз натижалар сони компьютерли дастурларнинг адаптив модуллари ёрдамида ўқиган синфларда таҳлил қилинган ёзилиш шакллари жами сонининг 45 фоизини, яъни деярли ярмини, “Савод пиллапоялари” ўқув кўлланмасида чоп этилган дастурлар сценарийлари бўйича ўқиган синфларда эса 33 фоизни, яъни учдан бир қисмини ташкил этади.

Таъриба-синов ишлари адабиётларда қоидаларни ўрганиш ва такрорлаш бўйича мактабда қабул қилинган методик **ишларнинг** самарадорлигига нисбатан мавжуд зиддиятларни, чунончи, бир томондан етарлича юқори иш натижалари кўрсатилишини, иккинчи томондан эса хатоларнинг “яшовчанлиги”, уларнинг қайталаниши кўрсатилишини маълум **даражада** тушунтиришга имкон беради.

Анъанавий ишнинг юқори самарадорлиги тўғрисидаги хулосалар бир қатор ҳолатларда ўқувчиларда уларнинг орфографик билимининг

операционал компонентининг шаклланганлиги кўрсаткичи – ўқувчиларнинг орфографик масалаларни ечишларининг муваффақиятли натижаларига асосланади. Аслида ҳам бу кўрсаткич бўйича мактабда қабул қилинган иш жуда ҳам самарали бўлиб чиқади (бошланғич синфларда “яхши” ва “аъло” баҳолар миқдори 80-90 фоизга етади). Бироқ мактаб ўқувчиларида уларнинг орфографик билимларини операционал компонентининг яна бир кўрсаткичи – ўқувчилар грамматик-орфографик масалаларни ечиш давомида муваффақиятли натижалар олишларига ёрдам берадиган – амаллар қоидаларига адекватлиги манзарани жиддий тарзда ўзгартиради: хатолар устида бажариладиган анъанавий иш энди камроқ самарали кўринади (билимлар сифати 30 фоиз атрофида бўлади).

Орфографик мавзулар устидаги методик ишни топшириқларнинг бажарилишининг самарадорлик критерийсига қараб ташкил этишда ўқитувчи бу натижаларга эришишга ёрдам берадиган жараёнлардаги нуқсонларни камроқ даражада бартараф этади. Бунинг устига, грамматик орфографик масалани ечиш натижасининг талаб қилинадиган натижа билан устма-уст тушиши ўзлаштирилган ноэталон амалларни тафтиш қилишга ундамайди. Бу амаллар эса бир қатор ҳолатларда қоидаларнинг таърифлари дастлабки нотўғри ўзлаштирилишидан келиб яқиши туфайли, яқунда бу амалларнинг ўзлари ҳам коррекцияланмасдан қолади.

Шундай қилиб, хатоларнинг асосий манбалари хато таърифлардаги нуқсонлар ва масалаларни ечишда уларни амалга оширадиган қоидаларда нуқсонлар бартараф этилмай қолади, бу эса хатоли ечимларнинг такрорланишига олиб келади.

Олинган маълумотларга кўра шундай хулосаларга келиш мумкин: ўқувчиларнинг ҳаммасида ҳам ва хатоларнинг барча ҳолларида ҳам орфографик масалаларни ечишга доир ноадекват амаллар шаклланавермайди. Бу эса ўқувчиларда маълум орфографик қоидалар тўғри танланиши ва тўғри қўлланилишини таъминловчи логик-тафаккур амаллар

қарор топишига, яъни тегишли билимларнинг тўлақонли ўзлаштирилишига таъсир этмай қолмайди.

ИЛОВАЛАР

1-илова

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг продавий фаоллигини ўрганиш бўйича сўровноманинг схема-режаси

1. Ўқувчининг ўқишга муносабати:

- ўқиш осон;
- ўқиш унчалик осонмас;
- ўқиш қийин.

Нима учун?

2- Дарсларни тайёрлашда нима ҳаммадан кўп халақит беради?

- гап-сўзлар;
- шовқин;
- мусиқа, телевизор;
- ҳеч нарса халақит бермайди.

2. Топшириқларни бажаришда фикрни жамлашда ҳаммадан кўп **нима** халақит беради?

- чет фикрлар;
- яхши хабарлар;
- хафа бўлиш;
- бошқа сабаблар.

2-илова

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг компьютерли ўйиннинг таълимий мақсадларини **англашини аниқлаш бўйича **суҳбатнинг** схема-режаси**

1. Компьютерли ўйиннинг номи.
2. Жозибадорлик даражаси: а) ёқди; б) унчалик ёқмади; в) ёқмади.
3. Ўйин жавомидаги ҳисобот:
 - ўйин вақти;
 - тўпланган баллар миқдори;
 - ўйин давомида шахсий амалларни баҳолаш.
4. Компьютерли ўйин давомида ўқувчи нимани ўрганди:
 - бирор янги нарсани билишди: а) компьютер тўғрисида; б) она тили тўғрисида;
 - янги амаллар усулларини билиб олди;
 - илгари ўрганилган материални мустаҳкамлади;
 - ҳеч нарсани ўрганмади, кўнгил очиш учун ўйнади.

3 илова

**Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида ўқиш мотивларининг
тақсимооти тўғрисида сўровнома**

Мотивлар	Мотивни кўрсатган ўқувчилар сони (% ҳисобида)		
	Назорат гуруҳи	Экспери-ментал гуруҳ	Экспери-ментал гуруҳ
1. Ўқувчи яхши ўқиши кераклигини тушунаман			
2. Ўқитувчи кўрсатмаларини тез ва аниқ бажаришга ҳаракат қиламан			
3. Машғулотларда менинг хатоим ҳамма болаларнинг муваффақиятли ишлашларига халақит беришини тушунаман			
4. Мактабни битириш ва ўқишни давом эттиришни хоҳлайман			
5. Билимлар менга келажак учун кераклигини тушунаман			
6. Маданиятли ва ривожланган одам бўлишни истайман			
7. Она тилидан яхши баҳолар олишни хоҳлайман			

8. Ўқитувчилар ва ота-она мақтовини (ижобий баҳосини) олишни истайман			
9. Ўртоқларим мен ҳақимда доимо яхши фикрда бўлишларини хоҳлайман			
10. Синфда энг яхши ўқувчи бўлишни истайман			
11. Машғулотларда менинг жавобларим ҳамманикидан яхши бўлишни истайман			
12. Ҳаётда муносиб ўрин эгаллашни истайман			
13. Ўртоқларим мени дарсда ёмон ишлаганим учун таъна қилмасликларини хоҳлайман			
14. Ўқитувчилар ва ота-онам мени қоймасликларини истайман			
15. Ёмон баҳолар олишни истамайман			
16. Дарсларда янги нарсаларни билиш ёқади			
17. Она тили дарсларида янги нарсаларни билиб олишни яхши кўраман			
18. Ўқитувчи қизиқарли нарсани ҳикоя қилиб бериши ёқади			
19. Она тили дарсларида турли топшириқларни бажаришни яхши кўраман			
20. Она тили дарсларида ўйлаш, мулоҳаза юритишни яхши кўраман			
21. Қийин топшириқларни бажаришни, қийинчиликларни енгиб ўтишни яхши кўраман			

Бу жадвалда кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари ўқув фаолиятининг устувор мотивларини ижтимоий мотивлар деб тушунишади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.:Ўзбекистон, 1992. – 42 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Шарқ, 1997. -Б.20-29.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” //Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Шарқ, 1997. -Б.-32-61б.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. -176 б.
5. Каримов И.А. 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 21 май.

6. Каримов И.А. “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот телекоммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори. 2002 йил 30 май.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил, 27 июнь.
8. Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ 4947-сонли Фармони // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 8 февраль.
9. Мирзиёев Ш.М. “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирок этишни таъминлаш бўйича чоратадбирлар тўғрисида”ги Қарори // “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил.
10. Alimov A. Mobil dars o'tish yo'llari // Boshlang'ch ta'lim. 2010 yil. 7-son.
11. Boshlang'ich ta'lim bo'yicha yangi tahrirdagi davlat ta'lim standarti // Boshlang'ich ta'lim. 2005 yil 5-son. 7-8 b.
12. Boshlang'ich ta'lim bo'yicha yangi tahrirdagi o'quv dasturi (Ona tili) // Boshlang'ich ta'lim. 2005 yil 5-son.
13. Matchonov S. va boshq. Boshlang'ch sinflarda o'qish darslarini pedagogik texnologiyalar asosida tashlik etish. Toshkent: Yangiyo'l poligraf servis, 2008. -224 b.
14. Niyozmetova T.R. Adabiy ta'limda kompyuter va axborot texnologiyalaridan foydalanish // Til va adabiyot ta'limida yangi pedagogik texnologiyalar. 1-qism. Toshkent: Nizomiy nomidagi TDPU, 2006.
15. Азимов Э.Г. Теория и практика использования компьютерных программ в преподавании русского языка как иностранного. М., 2000.

16. Алгазина И.Н., Ларских З.П., Пашкова Г.И., Фитовская Е.И.
Дидактические материалы по орфографии с компьютерной поддержкой. М.: Просвещение, 1996. – 175 с.
17. Асқаров М. ва бошқалар Кичик ёшдаги болалар нутқини ўстириш. - Т.: Ўзбекистон, 2001 йил.
18. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. М.: Педагогика, 1989. -225 с.
19. Бошланғич таълимни модернизациялаш: муаммо ва ечимлар. Тошкент: Нафис безак, 2011. -305 б.
20. Зенкин А.А. Когнитивная компьютерная графика. М., 1991. -186 с.
21. Зиётова Т. Она тили машғулотларида компьютердан фойдаланиш технологияси // ГулДУ ахборотномаси. Гулистон, 2001. 2-сон.
22. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2004. -44 б.
23. Мардонова Ф.И. Бошланғич синфларда таълим-тарбияни такомиллаштириш. Тошкент: Шарқ, 1998. -93 б.
24. Панов М.В. Занимательная орфография. М.: Просвещение, год 1984.
25. Поспелов Д.А. Инженерия знаний // Наука и жизнь. 1987. №6. С.8-15.
26. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари. Тошкент: Фан, 2006. -290 б.
27. Толипова Р. Она тили ўқитиш муаммолари // Тил ва адабиёт таълими. 2010 йил 1-сон. 3-4-б.
28. Эшимбетов О. Боғланишли нутқ ўстиришнинг лингводидактик асослари. Тошкент: Истиқлол, 2011. -38 б.
29. Юсупов М. Ўқиш ва ёзиш дарслари самарадорлигини ошириш. – Т.: Ўқитувчи, 1990 йил.
30. Юсупов М. Ўқиш ва ёзиш дарслари самарадорлигини ошириш. Тошкент: Ўқитувчи, 1990. -119 б.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Тил таълимида дастурий педагогик воситалардан фойдаланиш...	8
Орфографияга доир ДПВ модуллари.....	17
Билимлар, топшириқлар ва машқлар банкини тўлдириш	24
Ўргатувчи комбинацияланган дастур сценарийсини тузиш.....	29
Модулли ўқитиш – орфографияни адаптив ўқитишнинг зарурий қисми.	
Модулли ўқитиш тамойиллари.....	37
Хулоса	47
Иловалар.....	49
Фойдаланилган адабиётлар.....	52